

А Ж Р И М

2023 йил февраль ойининг 17 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, Сирғали тумани “Янги Сирғали” МФЙ биносидан, очик, сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: Б.Юсупов,

Судья ёрдамчиси А.Раимов, тарафлардан Сирғали туман прокурорим У.Файзиев, гумонланувчи Ф.Д. ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Х.Каримова, жабрланувчи Р.М.нинг иштирокида,

Д.Ф.З. (D.F.Z.), 00.00.0000 йил Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор,

_____ цех бошлиғи, муқаддам судланмаган, _____

_____, 0-уйда яшовчига

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумонланган Д.Ф.З.га оид 1-102/23 (1-1011-2304/99)-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки суриштирув даврида, Ф.Д., ишчи ходимларни мустақдл ишга қуйишдан олдин белгиланган тартибда меҳдатни муҳофаза қилиш бўйича уқшни таъминламаганлиги ва уларнинг билимларини текширмаганлиги оқибатида, 2022 йилнинг 5 декабрь куни _____

_____ қучасида яшовчи 24.01.1996 йилда туғилган М.Р.Ш. _____

_____ ҳудудида жойлашган “G.r.T.” корхонаси ҳудудида иш вақтида тан жароҳат олиб РШТЎИМга мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 14.12.2022 йилдаги 1092-Х-Ли-сонли хулосасига кура, Р.Ш.Муминовда чап қўл 3-4 бармоқ тирнок фалангасидан узилган. Бу жароҳатлар утмас қаттиқ жисм таъсирида тиббий хужжат ва қарорда қурсатилган вақт ва ҳолатда ҳосил булган булиши мумкинлигини инқор этиб булмаслигини, жароҳатлар биргалиқда етказилган вақтда ҳаёт учун хавфли булиб ҳисобланмайди, аммо одатда, соғлиқни узок муддатга, яъни 21 кундан ортиқ вақтга бузилишига олиб келиши хулоса қилинган булиб, ушбу белгисига кўра оғирлик даражаси бўйича УРТА ОФИР тан жароҳатлар турига кириши аниқланган.

Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекцияси меҳнатни муҳофаза қилиш инспекциясининг бахтсиз ходисани маҳсус текшириш далолатномасига кура: “D.B.” МЧЖ 1-сонли филиалининг бошлиғи томонидан 03.08.2021 йил тасдиқданган йуриқномасининг 3-булимининг 3.1-банди талаблари бажарилмаганлигини Ф.Д. “D.B.” МЧЖ ишлаётган бетон қуювчи вазифасида ишловчи Р.М. лавозим мажбуриятларига қирмайдиган маҳсус билимга яъни юқларни илиш ва ечиш



хукукига эга булмаган формовкачи Р.М.ни юк илиш тушириш ишларини бажаришга рухсат берган. Бу билан “D.B.” МЧЖ 1-СОНЛИ филилали рахбари Ф.З.Д. 03.08.2021 йилда тасдибуганган 12-сонли “Формовшиклар учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси йурихномасининг” 3-бўлим талабларига риоя қилмаганлиги аниқланган.

Дастлабки тергов томонидан Ф.Д. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумон қилиниб, жиноят иши судга юборилган.

Суд мажлисида жабрланувчи Р.М. ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, Ф.Д. билан ярашганлигини, гумонланувчи ундан кечирим сўраб, етказилган моддий-маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, улар ўртасида ярашув битими ихтиёрий равишда тузилганлигини, Ф.Д.га нисбатан ҳозирда ҳеч қандай моддий ёки маънавий даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида гумон қилинувчи Ф.Д. ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, жабрланувчидан кечирим сўраб, унга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи уни кечириб ярашганликлари муносабати билан унга нисбатан кўзғатилган жиноят ишини юритишдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин эканлиги белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмида жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумонланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги” 27-сонли Қарорининг 10-бандида кўрсатилишича “Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш пайтида судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ушбу ҳукуқий институт фақат ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин”лиги белгиланган.

Суд, прокурори У.Файзиевнинг фикрини тинглаб, жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ярашиб, суд мажлисида жабрланувчи судга бу ҳақида ариза берганлигини, аризасини ихтиёрий равишда ёзганлигини, жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаблари, яъни ушбу масала бўйича келгусида судга, бошқа идораларга мурожаат қилиш ҳукуқини йўқотишини тушунтирилганда жабрланувчи гумон қилинувчига нисбатан ҳеч қандай моддий-маънавий даъвоси йўқлигини билдирганлигини ва гумон қилинувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олиб, мазкур ҳолат



юзасидан томонлар фикрини тинглаб, суд мажлисида ярашув баённомасини тасдиқлашни, жиноят иши бўйича иш юритишни Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра, гумонланувчининг жиноят содир этишда айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 401, 582, 583, 585, 586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Д.Ф.З. (D.F.Z.)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи **Р.М.**га Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талабларига кўра, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилгани эътироф этилсин.

Ажримдан норози томон 20 сутка ичида туман суди орқали Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят, прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Б.Юсупов

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____

